

ЭПШТЕЙН-БАРР ВИРУСИ ВА ЦИТОМЕГАЛОВИРУС КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН ИНФЕКЦИОН МОНОНУКЛЕОЗНИНГ КЛИНИК ВА ЛАБОРАТОРИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жалилова А. С.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон, Бухоро ш.

Мавзунинг долзарблиги. Инфекцион мононуклеоз - дунё бўйлаб кенг тарқалган инфекцион касаллик бўлиб, кўпинча у-герпетик Епштейн-Барр вируси (ЕБВ) сабаб бўлиб, аҳолининг 8090% касалланган.

Ҳозирги вақтда болалар ўртасида инфекцион мононуклеоз билан касалланиш кўрсаткичининг ўсиши кузатилди. Бу эса маълум даражада диагностиканинг такомиллаштирилишининг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Расмий маълумотларни таҳлил қилсак, 2000-2019 йилларда Новокузнецкда ЕБВ инфекцияси билан касалланиш статистикаси белгиланган ўсиш кўрсаткич 27 марта: 100 минг аҳолига 0,9 дан 2000- йилда 100 минг аҳолига, 2008-йилда 24,7 га етди. Бу биринчи навбатда касалланиш кўрсаткичининг юқорилиги билан боғлиқ, масалан, Ўзбекистонда 7.5:100000 нисбатда, болалар орасида эса энг юқори 34:100000 нисбатда учрайди.

Тадқиқот мақсади. Эпштейн-Барр вируси ва цитомегаловирус келтириб чиқарадиган инфекцион мононуклеознинг клиник ва лаборатория хусусиятлари ўрганиш.

Материал методлар. Текширув маълумотлари 2019-2023 йиллар давомида инфекцион мононуклеоз билан зарарланган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 120 нафар болаларни ташхислаш ва даволаш таҳлил қилиниб, улар тадқиқотнинг асосий гуруҳини ташкил этган бўлса, назорат гуруҳи учун 40 нафар бола текширилди. Барча назоратга олинган бемор болалар клиник ва лаборатор, биокимёвий, вирусологик ва иммунологик тадқиқотларни ўз ичига олган кенг давомли текширувдан ўтказилди. Бу борада уларнинг шикоятлари, ўтказилган ва йўлдош касалликлар, преморбидли кўриниш, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг давомийлиги, боланинг озиқланиши ва эрта даволаш чора-тадбирлар самарасига эътибор қаратилган.

Текширув ва натижалар. Тадқиқот натижаларига кўра 500 нафар инфекцион мононуклеоз билан зарарланган бемор болалар ретроспектив таҳлил қилиниб, шулардан 120 нафар бемор болалар перспектив таҳлил қилинди ва уларнинг барчаси тадқиқотимизнинг асосий гуруҳини ташкил этди. Асосий гуруҳимизнинг 59(49,1%) нафари қишлоқ шароитида яшовчи болаларни ташкил этган бўлса, 61(50,9%) нафарини шаҳар шароитида яшовчи болаларни ташкил этган.

Нazorat остига олинган 120 нафар болалар табиатини ўрганиш учун ёшига қараб 3 та кичик гуруҳларга бўлинди:

1 - кичик гуруҳга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 34 (28,3%) нафар болалар, 2-кичик гуруҳга 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган 70 (58,3%) нафар болалар ва 3-кичик гуруҳга 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган 16 (13,4%) нафар бўлган болалар кирган. Текширилаётганларнинг 65% ни ўғил болалар, 35% ни қиз болалар ташкил этди.

Хулоса. Шундай қилиб, инфекцион мононуклеоз касаллигининг дастлабки кунлари иситма ва интоксикация белгилари, оғиз-ҳалқумнинг ангина шаклида яққол зарарланиши ва бурун орқали нафас олиш қийинлиги, жигар ва талоқ ҳажмининг катталашиши билан характерланиб, бу касалликнинг дастлабки кунларидаёқ тахминий ташхисини қўйиш имконини берди. Касаллик авж олган даврда гипертермия сақланиб қолди, тонзиллит белгилари камайди, гепатомегалия авж олди ва клиник қон таҳлилида ЭЧТ нинг ошиши, лейкоцитоз, лимфоцитоз ва 52% гача атипик мононуклеарларнинг пайдо бўлиши қайд этилди. 27,4% ҳолларда асоратлар ривожланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Djalalova, N., and D. Atamuxamedova. "EPIDEMIOLOGICAL FEATURES OF THE COURSE OF ACUTE INTESTINAL INFECTIONS CAUSED BY ESCHERICHIA IN CHILDREN." Science and innovation 3.D3 (2024): 86-92.
2. Атамухамедова, Д. М., and М. М. Мидасов. "Изучение клинических проявлений инфекционного процесса ротавирусной инфекции у детей." (2018).
3. Касымов, И., М. Шаджалилова, and Е. Осипова. "Изучение особенностей развития эпидемического процесса бруцеллезной инфекции среди детей и подростков." Современные аспекты инфекционных заболеваний 1.1 (2023): 22-23.